# О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И №10

Самарканд шахри  «26» январ 2022 йил

*ООО "NUR XAYOT PHARM"*, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи ***директор Т.С.Тугалов*** номидан, бир томондан ва ***Ургут "Мурувват" эркаклар интернат уйи*** , кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи ***Б.Муртазаев*** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вактида сифатли килиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади

| № п/п | Наименование товара (работ, услуг) / серия | Ед. изм. | Количество | Цена отпускная | Стоимость отпускная |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 1 | Ascorbic acid Аскорбиновая кислота 2мл №10 | уп | 100 | 4450,00 | 445 000,00 |
| 2 | Calcium gluconate Кальция глюконат 10% 10мл №10 | уп | 50 | 7 187,00 | 359 350,00 |
| 3 | Натрий хлорид+калий хлорид+кальций хлорид+магний хлорид+кахроба кислотаси +натрий гидрохлорид Тивортин 100мл | фл | 100 | 56 000,00 | 5 600 000,00 |
| 4 | Comb.drug (Aminoacids) Аминокислота (Лифезол) 500мл | фл | 100 | 89 700,00 | 8 970 000,00 |
| 5 | Comb.drug (Metamizole, pitofenone, fenpiverine) Баралгин 0,5мг №100 | уп | 5 | 36 400,00 | 182 000,00 |
| 6 | Chlorpromazine Аминазин драже 0,05г №10 | уп | 25 | 86 250,00 | 2 156 250,00 |
| 7 | Chlorpromazine Аминазин 100мг таб. №10 | уп | 25 | 107 800,00 | 2 695 000,00 |
| 8 | Sodium chloride Натрия хлорид, 0,9% 500мл, флак. №1 | фл | 100 | 5 031,00 | 503 100,00 |
| 9 | Trifluoperazine Трифлуоперазин, таб. 5мг №50 | уп | 60 | 42700,00 | 2 562 000,00 |
| 10 | Fluconazole Флуканазол 100 мг №1 флак. | фл | 60 | 6 844,00 | 410 640,00 |
| 11 | Peptid complex* Церебролизин 10мл №5 | уп | 20 | 298 000,00 | 5 960 000,00 |
| **Всего:** | | | 645 | | **29 843 340,00** |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **29 843 340,00** ***(Йигирма туккиз миллион саккиз юз кирик уч минг уч юз кирик)*** сўмни ташкил килади.

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани газначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик, шартнома умумий суммасидан 30% микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б.асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли хисобварагига келиб тушган вактдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофик товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиклигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка холлар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг хукуклари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошка холлар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофик, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб килиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб килиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни бегараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофик етказиб берилган товарларни кабул килиш;
- товарларнинг кийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022й. "31" декабргача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
| --- | --- |
| ООО "NUR XAYOT PHARM" | Ургут "Мурувват" эркаклар интернат уйи |
| Манзил: Самарканд шахар САТТЕПО МАСКАНИ 15в уй<br><br>Тел./факс 93 354-04-68<br>**х/в 2020 8000 7053 6134 8001**<br><br>Банк номи ЧЭКИ "Инвест финанс банк"АТБ Самарканд вилоят филиали<br>МФО 01133 СТИР 308 296 418<br>ОКЕД 46 460 | Адрес: Ургут туман Корабулок КФЙ<br>Тел.: +998937265663<br>Факс:+ 998937265663<br>Хисоб Ракам: 100021860182367101204344002<br>ИНН: 202595495<br>МФО:00014 , ИФУТ_86900<br>Самарканд вилояти буйича Газначилик бошкармаси<br>Молия Вазирлиги Ягона Газна хисобвараги: 23402 000 3 00 100 001 010<br><br>ИНН: 201122919 |
| Рахбар ________ Тугалов С.Т.<br>М.У. | Рахбар ________ Б.Муртазаев<br>М.У. |

**"Т А С Д И Қ Л А Й М А Н"**
**Ургут «Мурувват» уйи директори**
**Б.Муртазаев ____________**

**2022 йил 26 январ**

**Ургут «Мурувват» уйига хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши**

**Б А Ё Н И**

**2022 йил 26 январ** **Ургут туман «Мурувват» уйи**

| | | |
|---|---|---|
| 1 Аъзоси | Омбор мудири | Ахмедов. Х |
| 2 Аъзоси | Бош хисобчи | Абдиназаров. У |
| 3 Аъзоси | Дори-дармон омбор мудири | Эгамов. М |
| 4 Аъзоси | Даволовчи врач | Донакулов С |
| 5 Аъзоси | Пархез хамшираси | Амриева .Х |

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

**Ургут «Мурувват» уйи учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича «NUR XAYOT PHARM», «BIOCOSMIC» ва «SAM PRO MED» томонидан танлов (тендер) Комиссияга тақдим этилган харид таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини аниқлаш.**

**Сўзга чиқганлар: У. Абдуназаров, С.Данокулов**

**Ургут «Мурувват» уйи**нинг хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи Комиссиясининг **дори-дармон ва боглов материаллари** харид қилиш бўйича бир қатор корхоналардан харид таклифлари олинган.

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофиқ **дори-дармон ва боглов материаллари** харид қилиш бўйича танловда иштирок этиш учун қуйидаги тур, ўлчам ва нархлар таклиф этилган:

- Самрканд шах Саттепо маск 18 уйда жойлашган **«NUR XAYOT PHARM»** томонидан 2022 йил 26 январдаги № 18 сонли хат билан;
- Кимёгарлар кургони 24/29 уйда жойлашган **«BIOCOSMIC»** томонидан 2022 йил 26 январдаги № 10 сонли хат билан;
- Самарканд шахар Набиева куч 4 уйда жойлашган **«SAM PRO MED»** томонидан 2022 йил 26 январдаги № 8 сонли хат билан танловда иштирок этиш учун алоҳида тижорат таклифлари тақдим этилган.

"Корхоналар томонидан **дори-дармон ва боглов материалларини** шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириб бериш

| № | Товар номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | «NUR XAYOT PHARM» | «SAM PRO MED» | «BIOCOSMIC» |
| | | | | Нархи | Нархи | Нархи |
| 1 | Ascorbic acid Аскорбиновая кислота 2мл №10 | уп | 100 | 445 000,00 | 467 300 | 490 700 |
| 2 | Calcium gluconate Кальция глюконат 10% 10мл №10 | уп | 50 | 359 350,00 | 377 300 | 396 150 |
| 3 | Натрий хлорид+калий хлорид+кальций хлорид+магний хлорид+кахроба кислотаси +натрий гидрохлорид Тивортин 100мл | уп | 100 | 5 600 000,00 | 5 880 000 | 6 174 000 |
| 4 | Comb.drug (Aminoacids) Аминокислота (Лифезол) 500мл | фл | 100 | 8 970 000,00 | 9 418 500 | 9 889 400 |
| 5 | Comb.drug (Metamizole, pitofenone, fenpiverine) Баралгин 0,5мг №100 | уп | 5 | 182 000,00 | 191 100 | 200 650 |
| 6 | Chlorpromazine Аминазин драже 0,05г №10 | фл | 25 | 2 156 250,00 | 2 264 050 | 2 377 250 |
| 7 | Chlorpromazine Аминазин 100мг таб. №10 | фл | 25 | 2 695 000,00 | 2 829 750 | 2 971 225 |
| 8 | Sodium chloride Натрия хлорид, 0,9% 500мл, флак. №1 | фл | 100 | 503 100,00 | 528 000 | 554 400 |
| 9 | Trifluoperazine Трифлуоперазин таб 5мг №50 | уп | 60 | 2 562 000,00 | 2 690 100 | 2 824 620 |
| 10 | Fluconazole Флуканазол 100 мг №1 флакон. | фл | 60 | 410 640,00 | 431 160 | 452 700 |
| 11 | Peptid complex* Церебролизин 10мл №5 | уп | 20 | 5 960 000,00 | 6 258 000 | 6 570 900 |
| **Жами:** | | | | **29 843 340** | **31 335 260** | **32 901 995** |

(териш) ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилган".

"Комиссия аъзолари томонидан йўл-транспорт харажатларини максимал иктисод қилиш ҳамда сақлаш шароитлари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида **«NUR XAYOT PHARM»** имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди».

“Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида **дори-дармон ва боглов материалларини «NUR XAYOT PHARM** олинганлигини эътиборга олиш лозимлиги айтиб ўтилди”.

“Шунингдек, **«BIOCOSMIC»**ва **«SAM PRO MED»** харид таклифларида қайд этилган нархлар унча юқори бўлм марказга яқин эмаслиги, бу эса товар ва махсулотларни етказишда қўшимча харажатларга талабни келтириб чиқариши мумкин кўрсатиб ўтилди”.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати в шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, жойлаштириш ва уларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш, корхоналарнинг яқин-узоқлиги, транспорт харажатларни ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Ургут «Мурувват» уйига дори-дармон ва боглов материалларини**:

- тақдим этилган нархлари арзонлиги;

- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, жойлаштириш ва махсулотларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилганлиги;

- корхона марказида жойлашганлиги, бу эса олиб кетиш учун қулай эканлиги ҳамда транспорт харажатларини иқтисод қилиш имконияти мавжудлиги туфайли **«NUR XAYOT PHARM»** харид қилинсин.

2. **«NUR XAYOT PHARM»**дан **дори-дармон ва боглов материалларини** харид қилиш бўйича **Ургут «Мурувват» уйи** ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада **Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.**

3. **«NUR XAYOT PHARM»**дан **дори-дармон ва боглов материалларини** харид қилиш бўйича **Ургут «Мурувват» уйи** ўртасида тузиладиган хўжалик шартномалари лойиҳалари икки томонлама жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказиш белгилансин.

4 **«NUR XAYOT PHARM»дан дори-дармон ва боглов материалларини** харид қилиш бўйича **Ургут «Мурувват» уйи** ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экпсертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг **асли ва 1 (бир) нусхаси Самарқанд вилояти буйича** Ғазначилик бошқармаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини олиб бориш гуруҳига тақдим этилсин.

**Самарқанд вилояти буйича** Ғазначилик бошқармасига **хўжалик шартномалари билан биргаликда, қуйидагилар тақдим этилсин:**

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган **тўлов жадвали;**

- мазкур комиссия йиғилиши **баённома асли (қайтарилади) ва нусхаси;**

- икки томонлама, **«NUR XAYOT PHARM»**дан томонидан жалб этиладиган ва бюджет ташкилоти томонидан жалб этилган **адвокатлар ёки юристлар алохида юрист хулосалари;**

- танлов ёки тендер ғолибининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги **гувоҳнома;**

- танлов ёки тендер ғолибининг товар (иш, хизмат) етказиб бериш (бажариш) фаолияти билан шуғулланишга тегишли органлар томонидан берилган **лицензия;**

- товарлар миқдори, ҳажми, тури, нархи ва суммаси қайд этилган **товарлар рўйхати;**

- танлов ёки тендерда иштирок этган хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган тартибда ва шаклда тақдим этган **харид таклифлари**

5. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг хатлари, харид таклифлари, гувоҳномалари, лицензия ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлари илова қилинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раиси ўринбосарига юклатилсин.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Аъзоси | Омбор мудири | | Ахмедов. Х |
| 2 Аъзоси | Бош хисобчи | | Абдиназаров. У |
| 3Аъзоси | Дори-дармон омбор мудири | | Эгамов. М |
| 4 Аъзоси | Даволовчи врач | | Донакулов С |
| 5 Аъзоси | Пархез хамшираси | | Амриева.Х |

OZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI "NUR XAYOT PHARM" РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН ГОРОД САМАРКАНД ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ «26» января 2022 № 18 Samarqand shahar, Sattepo maskani 18 V-uy.

# "NUR XAYOT PHARM" МЧЖ

*"NUR XAYOT PHARM" МЧЖ Самарканд шахар, САТТЕПО МАСКАНИ 15в уй, СТИР: 308 296 418 "Инвест финанс банк"АТБ Самарканд вилоят филиали х/р: 2020 8000 7053 6134 8001 МФО:01133 ,*

***Харид учун тижорат таклифи.***

***NUR XAYOT PHARM сизнинг 2022 йил 26-01 -даги №18 сонли хатингизга асосан 2022 йил январь ойи учун дори-дармон ва боглов воситалари билан таьминлаш максадида утказилган тадбирда иштирок этиш учун танлов комиссиясига уз таклифимизни маьлум киламиз.***

| № | Наименование препарата | Ед. изм. | Количество | Цена | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ascorbic acid Аскорбиновая кислота 2мл №10 | уп | 1 | 4450 | 4450,00 |
| 2 | Calcium gluconate Кальция глюконат 10% 10мл №10 | уп | 1 | 7 187,00 | 7187,00 |
| 3 | Натрий хлорид+калий хлорид+кальций хлорид+магний хлорид+кахроба кислотаси +натрий гидрохлорид Тивортин 100мл | фл | 1 | 56 000,00 | 56000,00 |
| 4 | Comb.drug (Aminoacids) Аминокислота (Лифезол) 500мл | фл | 1 | 89 700,00 | 89700,00 |
| 5 | Comb.drug (Metamizole, pitofenone, fenpiverine) Баралгин 0,5мг №100 | уп | 1 | 36 400,00 | 36400,00 |
| 6 | Chlorpromazine Аминазин драже 0,05г №10 | уп | 1 | 86 250,00 | 86250,00 |
| 7 | Chlorpromazine Аминазин 100мг таб. №10 | уп | 1 | 107 800,00 | 107800,00 |
| 8 | Sodium chloride Натрия хлорид, 0,9% 500мл, флак. №1 | фл | 1 | 5 031,00 | 503100,00 |
| 9 | Trifluoperazine Трифлуоперазин таб 5мг №50 | уп | 1 | 42700 | 42700,00 |
| 10 | Fluconazole Флуканазол 100 мг №1 флакон. | фл | 1 | 6 844,00 | 6844,00 |
| 11 | Peptid complex* Церебролизин 10мл №5 | уп | 1 | 298 000,00 | 298000,00 |

*Таклиф этилаётган дори воситалари ва боглов материаллари сифати, хамда шартномада келишилган муддатда етказиб бериш ва уларни бюджет ташкилотлари томонидан олгунга кадар омборхоналарда тулик саклаб туриш кафолатланади.*

*Директор*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND SHAHRI "NUR XAYOT PHARM" SAMARQAND MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

O'z R Р Уз
SAMARQAND SHAHAR
«SAM PRO MED»
MAS ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
ГОРОД САМАРКАНД
ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«SAM PRO MED»
«26» 06 2023 г.
№
SAMARQAND SHAHRI
NABIEVA 4

# "SAM PRO MED" МЧЖ

*Харид учун тижорат таклифи.*

**SAM PRO MED Сизнинг 2022 йил 28 январ даги №8 сонли хатингизга асосан 2022 йил январ ойи учун дори-дармон ва боглов воситалари билан таьминлаш максадида утказилган тадбирда иштирок этиш учун танлов комиссиясига уз таклифимизни маьлум киламиз.**

| № | Наименование препарата | Ед. изм. | Кол-во | Цена | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ascorbic acid Аскорбиновая кислота 2мл №10 | уп | 1 | 4673 | 4673,00 |
| 2 | Calcium gluconate Кальция глюконат 10% 10мл №10 | уп | 1 | 7 546,00 | 7546,00 |
| 3 | Натрий хлорид+калий хлорид+кальций хлорид+магний хлорид+кахроба кислотаси +натрий гидрохлорид Тивортин 100мл | фл | 1 | 58 800,00 | 58800,00 |
| 4 | Comb.drug (Aminoacids) Аминокислота (Лифезол) 500мл | фл | 1 | 94 185,00 | 94185,00 |
| 5 | Comb.drug (Metamizole, pitofenone, fenpiverine) Баралгин 0,5мг №100 | уп | 1 | 38 220,00 | 38220,00 |
| 6 | Chlorpromazine Аминазин драже 0,05г №10 | уп | 1 | 90 562,00 | 90562,00 |
| 7 | Chlorpromazine Аминазин 100мг таб. №10 | уп | 1 | 113 190,00 | 113190,00 |
| 8 | Sodium chloride Натрия хлорид, 0,9% 500мл, флак. №1 | фл | 1 | 5280,00 | 5280,00 |
| 9 | Trifluoperazine Трифлуоперазин таб 5мг №50 | уп | 1 | 44835,00 | 44835,00 |
| 10 | Fluconazole Флуканазол 100 мг №1 флакон. | фл | 1 | 7 186,00 | 7186,00 |
| 11 | Peptid complex* Церебролизин 10мл №5 | уп | 1 | 312 900,00 | 312900,00 |

*Таклиф этилаётган дори воситалари ва боглов материаллари сифати, хамда шартномада келишилган муддатда етказиб бериш ва уларни бюджет ташкилотлари томонидан олгунга кадар омборхоналарда тулик саклаб туриш кафолатланади.*

*Директор*

SAM PRO MED

BEKISTON RESP. SAMARQAND SHAHAR "BIOCOSMIC" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
ГОРОД САМАРКАНД ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "BIOCOSMIC"
26-01-2022 y
№ 10
KIMYOGARLAR QORGONI ZIYOLILAR KO'CHASI 24/29 MANZIL

# "BIOCOSMIC" МЧЖ

***"BIOCOSMIC" МЧЖ Самарканд шахар, кимёгарлар кургони, зиёлилар кучаси 24/29, СТИР: 306334204 АТБ "Халк банки" х/р: 20208000105058332001 МФО:01005,***

***Харид учун тижорат таклифи.***

*Biocosmic Сизнинг 2022 йил 26 01 даги №10 сонли хатингизга асосан 2022 йил январ ойи учун дори-дармон ва боглов воситалари билан таьминлаш максадида утказилган тадбирда иштирок этиш учун танлов комиссиясига уз таклифимизни маьлум киламиз.*

| № | Наименование препарата | Ед. изм. | Кол-во | Цена | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ascorbic acid Аскорбиновая кислота 2мл №10 | уп | 1 | 4907,00 | 4907,00 |
| 2 | Calcium gluconate Кальция глюконат 10% 10мл №10 | уп | 1 | 7 923,00 | 7 923,00 |
| 3 | Натрий хлорид+калий хлорид+кальций хлорид+магний хлорид+кахроба кислотаси +натрий гидрохлорид Тивортин 100мл | фл | 1 | 61 740,00 | 61 740,00 |
| 4 | Comb.drug (Aminoacids) Аминокислота (Лифезол) 500мл | фл | 1 | 98 894,00 | 98 894,00 |
| 5 | Comb.drug (Metamizole, pitofenone, fenpiverine) Баралгин 0,5мг №100 | уп | 1 | 40 130,00 | 40 130,00 |
| 6 | Chlorpromazine Аминазин драже 0,05г №10 | уп | 1 | 95 090,00 | 95 090,00 |
| 7 | Chlorpromazine Аминазин 100мг таб. №10 | уп | 1 | 118 849,00 | 118 849,00 |
| 8 | Sodium chloride Натрия хлорид, 0,9% 500мл, флак. №1 | фл | 1 | 5544,00 | 5544,00 |
| 9 | Trifluoperazine Трифлуоперазин таб 5мг №50 | уп | 1 | 47077,00 | 47077,00 |
| 10 | Fluconazole Флуканазол 100 мг №1 флакон. | фл | 1 | 7 545,00 | 7 545,00 |
| 11 | Peptid complex* Церебролизин 10мл №5 | уп | 1 | 328 545,00 | 328 545,00 |

*Таклиф этилаётган дори воситалари ва боглов материаллари сифати, хамда шартномада келишилган муддатда етказиб бериш ва уларни бюджет ташкилотлари томонидан олгунга кадар омборхоналарда тулик саклаб туриш кафолатланади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI BIOCOSMIC

*Директор*